Ҳ
# Кучъ—адолатда

2012 йил, 30 март, жума
№ 11-12 (369)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

# УЙҒУНЛИК ВА УЗВИЙЛИК

## табиатда ҳам, жамиятда ҳам барқарорликнинг муҳим омилидир

**Шу кунларда юртимиз бўйлаб Наврўз нафаси кезинаётган экан, халқимиз катта орзу-умидлар билан табиатга ошно бўлган ҳолда яратувчанлик кайфияти билан яшамоқда. Дарҳақиқат, бу айём нафақат оламга, балки руҳимизга ҳам янгиланиш олиб киради. Шу боис Наврўз биз учун ҳар доим мўътабар ва уни шунинг учун ардоқлаб байрам қиламиз. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тантаналари ҳар қачонгидан ҳам шукуҳли кечди. Давлатимиз раҳбарининг халқимизга байрам табриги ҳар бир юртдошимизнинг кайфиятини янада кўтарди.**



Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, ***бу йилги баҳор фаслини ҳаммамиз ҳар қачонгидан ҳам соғиниб, интизорлик ва қувонч билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном олган 2012 йилда ҳам кўзланган марраларимизни албатта, қўлга киритамиз, деган ишонч туғдиради.***

***Жорий йилда ҳам бошлаган эзгу ишларимизни, демократик ва эркинлаштириш ислоҳотларини давом эттириш, аҳолининг даромади, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янги босқичга кўтаришга эришамиз, иншоолло.***

Ҳақиқатан ҳам, бу йил халқимиз учун ана шундай эзгу ниятлар йили. Биз уларни амалга оширишга аллақачон киришиб кетдик. Наврўз байрамидан кейинги кунда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида кўрилган долзарб масалалар, маъқулланган қонунларда ҳам бунинг ифодасини кўриш мумкин. Айтиш керакки, ялпи мажлисда 21 та масала юзасидан қизғин музокара олиб борилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Булар ҳақида кенгроқ тўхталадиган бўлсак, маъқулланган қонунлар Президентимиз томонидан илгари сурилган **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси** талаблари асосида бўлиб, улар жамиятда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашишига, инсон эркинлиги ва фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилади.

Мисол учун **«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»**ги қонуннинг маъқулланиши ҳам мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. Негаки, унда миллий анъаналар асосида хўжалик юритишнинг фуқаролар учун мақбул тизимлари, унинг давлат томонидан кафолатланиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берилди.

Шунингдек, амалдаги Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ҳам ўзгартиш киритилди. Бу қонун истеъмолчи билан таъминотчи ўртасидаги низоларни бартараф этишга ёрдам беради. Аниқроқ айтганда, ушбу янги қонунда истеъмолчи билан таъминотчининг масъулияти кучайтирилиб, аниқ вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш бўйича мансабдор шахслар жавобгарлиги оширилди. Мисол учун кодексга киритилган ўзгартишга кўра, «Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарни, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт», деб белгилаб қўйилди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Энг аввало, Конституциямизда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланиб, шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда бу борада тегишли ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамлаб қўйилди.**

*Yangi qonun mohiyati*

## Мустаҳкам оиланинг ҳуқуқий кафолати

Жорий йилнинг **«Мустаҳкам оила йили»** деб аталиши, шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилинганлиги ва бу борадаги қонунчиликни замон талабларига уйғун равишда такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилаётгани ҳам юртимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, жисмонан бақувват, маънавий етук баркамол авлодни вояга етказишда унинг ўрнини янада ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини юксалтириш каби аниқ мақсадларни қамраб олган.

**(Давоми учинчи бетда)**



*Fuqarolik qonunchiligi*

## Битимларнинг ҳақиқийлиги

### буни эътироф этишнинг қонуний асослари бор

**Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар Конституциямиз ва умумэътироф этилган халқаро меъёрларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган даврда бу борада салмоқли натижаларга эришилди, фуқаролар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялаш кафолатлари янада мустаҳкамланди.**

Шу ўринда маълумотларга мурожаат қилсак, 1994 йилда судларда жами 64 мингга яқин фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, 2011 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан жами 305 мингдан ортиқ иш кўрилган. Янада эътиборлиси шундаки, улар бўйича 97 фоиз даъволар қаноатлантирилган.

Айтиш жоизки, фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётида битимларга оид низолар кўп учрайди. Шу боис уларни судда кўриб чиқишнинг процессуал хусусиятлари қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Олий суд Пленумининг **«Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарори қабул қилинган. Ушбу Пленум қарорининг 3-бандига кўра, битимларни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъволарни кўришда судлар ҳақиқатан ҳам, тарафлар ўртасида битим тузиш ҳақида келишув бўлганлиги, битим шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилганлиги ва битимни нотариал тасдиқлашга монелик қилган сабабларни аниқлашлари лозим.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Ayyot*

## Мардлик ва шижоат фасли

**Баҳор байрамлар фасли. Айниқса, халқимизга мансуб инсонийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва янгиланиш айёми бўлган Наврўзни ҳаммамиз орзиқиб кутамиз.**

**Наврўз кунлари сайллар, турли халқ ўйинларининг ўтказилиши, тансиқ таомлар тайёрланиб, барчага улашиш — байрамнинг юртдошларимиз ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутишини, халқимизнинг юксак одамийлик фазилатлари ва маънавий қиёфасини яққол намоён этади.**

(Давоми тўртинчи бетда)



**Айтиш керакки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар натижаси шартноманинг қандай тузилганлигига ҳам боғлиқ бўлади. Яъни шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил акс этса, турли низолар келиб чиқмайди. Албатта, шартномадан кўзланган мақсадга эришиш учун томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ адо этиши лозим. Масъулият унутилганда эса, жавобгарлик юзага келади.**

*Qonun ko`magi*

## Иқтисодий муносабат

### унга риоя этиш муваффақиятларни таъминлайди

Мамлакатимизда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Фуқаролик кодекси, **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган **«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»**ги Низом ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим ўрин тутади. Зотан, ушбу қонун ҳужжатларида хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этувчи меъёрлар ўз ифодасини топган.

**(Давоми иккинчи бетда)**



**Маълумки, Асосий қонунимизда бошқа мулклар қаторида хусусий мулкнинг ҳам дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги қатъий белгилаб қўйилган. Айни шу мезон фуқароларнинг мулк ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва мулкий манфаатлари бузилишидан муҳофазалашда ҳуқуқий кафолат вазифасини бажаради.**

*Saboq*

## Мулк ҳуқуқи дахлсиздир

Масалан, **«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ, давлат ҳокимияти идораларининг ихтиёрида бўлган муниципал, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари бошқарувида бўлган идоравий уй-жойлар ва аниқ мақсадли коммунал уй-жойлар умумий ва имтиёзли ҳуқуқ асосида мазкур тураржойдан фойдаланувчиларга хусусийлаштириб берилади.

Амалиётда хусусийлаштирилган тураржойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ низолар ҳам йўқ эмас. Масалан, даъвогар Марям Халилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар — отаси Довур Халилов ва Очилов Маҳмуд ўртасида 2010 йил 7 сентябрда Муборак тумани нотариал идорасида тасдиқланган Ўзбекистон кўчаси, 7-уй, 17-хонадоннинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида уларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари қонунчилигимизда алоҳида ўрин тутади. Жумладан, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги Бош қомусимизда ўз ифодасини топган.**

*Mezon*

## Меҳнат шартномаси

### соҳага оид муносабатларни тартибга солишда муҳим омил

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқадиган низолар асосан суд тартибида ҳал этилади. Бундай низоларни кўришда судьялар Меҳнат кодекси ҳамда Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **«Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»**ги қарори талабларига амал қилиши лозим. Мазкур қарорда меҳнат қонунларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш ва меҳнат низоларини кўришда судларда вужудга келадиган айрим масалалар юзасидан тушунтиришлар берилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тоифадаги ишларни қонуний муддатда ва тўғри ҳал этиш учун судья уларни судда кўришга етарли даражада тайёрлаши лозим. Жумладан, тарафларни чақириб, даъвогардан даъво талабларини аниқлаши, жавобгардан даъво аризаси юзасидан эътирозномa олиши, ишга учинчи шахсларни жалб қилиш масалаларини муҳокама қилиши, далилларни талаб қилиб олиши зарур. Бу жараёнда судья ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ва ходимни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқларни, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилинган қарори нусхаси, даъвогарнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар сони ва оилавий аҳволи, ўртача ойлиги ҳақидаги маълумотномалар, ходим бажариши лозим бўлган меҳнат вазифаларини уддалай олмаётганлигини тасдиқловчи далиллар (далолатнома, билдиришнома, текширувлар бўйича хулосалар ва маълумотномалар, даъвогарга нисбатан интизомий жазолар қўлланилганлиги ҳақидаги буйруқлар нусхаси — акс этган ҳужжатларни талаб қилиб олиши лозим.



Судлар меҳнат низоларига оид даъволар билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда ҳақиқатан ҳам, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгарган ёки ўзгармаганини, корхонанинг фаолияти тугатилган-тугатилмаганлигини аниқлаши, иш берувчи томонидан ходимларни ишдан бўшатиш асослари ва тартибини белгиловчи меҳнат қонунлари талабларига риоя этилган-этилмаганлигини текшириши, ишда қолдириш учун қонунчиликда белгиланган имтиёзли ҳуқуқ инобатга олинган-олинмаганлигига эътибор қаратиши зарур.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Битимларнинг ҳақиқийлиги

## буни эътироф этишнинг қонуний асослари бор

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Лекин судларда баъзан битимни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекси ва Олий суд Пленуми қароридаги тушунтиришларига тўлиқ амал қилинмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Жумладан, суднинг ҳал қилув қарори билан К.Толиповнинг П.Кимга нисбатан квартира олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъвоси П.Ким номидан ёзилган тилхат инобатга олинган ҳолда қаноатлантирилган. Лекин суд томонидан тилхат ҳақиқатан ҳам, П.Ким томонидан ёзилганлигини аниқлаш чоралари кўрилмаган.

Кейинчалик ҳал қилув қарори прокурор аризасига асосан Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлмаган ҳолда янги очилган ҳолатларга кўра, бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Бундан ташқари битимларни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги баъзи ишлар бўйича жавобгарларнинг яшаш жойлари номаълум эканлиги ва улар тегишли тартибда хабардор қилинмаганига қарамасдан, юқоридаги қоидага зид равишда иш уларга нисбатан сиртдан иш юритиш тартибида кўрилган. Жумладан, Р.Йўлдошеванинг Қ.Ботировага нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги туманлараро судининг ҳал қилув қарори прокурорнинг аризасига асосан янги очилган ҳолатларга кўра, бекор қилиниб, иш юритиш тикланган ва кейинчалик шу суднинг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Битимларни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги баъзи ишларни кўришда эса, турар жойнинг ҳуқуқий ҳолатини текшириб, шундан келиб чиққан ҳолда манфаатдор шахслар доирасини аниқлаб, ишга жалб қилиш лозимлигига эътибор қаратилмаган. Хусусан, хусусийлаштирилган квартиралар билан боғлиқ битимларни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда турар жойни хусусийлаштиришда иштирок этган шахслар доирасини аниқлаш чоралари кўрилмаган. Жумладан, туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан О.Жўраеванинг олди-сотди бўлганлик фактини белгилаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Аризада кўрсатилган квартира марҳум Х.Латиповга 2002 йил 9 сентябрдаги ордерга асосан тегишли бўлиб, унинг хотини ва 5 нафар фарзанди бўлишига қарамасдан, квартирани хусусийлаштиришда иштирок этган шахслар мулк иштирокчиси сифатида, унинг меросхўрлари эса ҳуқуқий ворис сифатида ишга жалб қилинмаган. Фақат марҳумнинг бир нафар фарзанди ва хотини гувоҳ сифатида сўроқ қилинган, холос.

Мазкур туркумдаги айрим ишларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрлари талабларига риоя этмаслик ҳолатларига апелляция ва кассация инстанцияларида ҳам етарли эътибор қаратилмаган. Жумладан, вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро суднинг ҳал қилув қарори билан Ш.Қўчқорованинг Г.Исмоилова ва бошқаларга нисбатан квартирадан кўчириш ҳақидаги даъвоси рад этилиб, Г.Исмоилованинг олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган.

Суд қарши даъвони қаноатлантиришда квартиранинг сотилганлиги ҳақида мулкдорнинг укаси томонидан ёзилган тилхатга ва бундан мулкдор хабардор бўлганлигига асосланган. Шу билан бирга квартира мулкдорида ўз мулкини сотганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини инобатга олмаган. Ўз навбатида, апелляция инстанцияси ҳам ушбу ҳолатга эътибор қаратмаган ҳолда суд қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Битимларни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги айрим ишлар бўйича жавобгарларнинг яшаш жойлари номаълум эканлиги ва улар суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинмаганликларига қарамасдан, ишни сиртдан кўриш ҳақида ажрим қабул қилинмай Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддаси талабларига зид равишда ишлар сиртдан кўрилган.

Шунингдек, мазкур туркумдаги ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи ҳолларда ишларни суд муҳокамасига тайёрлашнинг етарли чоралари кўрилмаган. Ҳал қилув қарори чиқарилишида давлат божи низоли мулкнинг баҳосидан келиб чиққан ҳолда, қаноатлантирилган даъво талабларига мутаносиб равишда тарафлардан ундирилиши лозимлигига эътибор қаратилмаган.

Албатта, бу каби камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, битимлар моҳиятида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари мужассам. Шу боис уларни тузишда амалдаги қонуний меъёрларга тўлиқ риоя этиш ва унда белгиланган мажбуриятларга амал қилиш мақсадга мувофиқ. Бу қонун устуворлиги тамойилининг муҳим талабларидан бири бўлиб, нафақат фуқаролар, балки жамият равнақига ҳам хизмат қилади.

**Ҳаёт ХОЛМИРЗАЕВ,**
*Олий суд судьяси*

*Saboq*

# Мулк ҳуқуқи даҳлсиздир

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Аниқланишича, низоли уй Д.Халилов томонидан Қашқадарё вилояти давлат мулк бошқармасининг 1993 йил 30 ноябрдаги давлат ордерига асосан хусусийлаштирилган. Ушбу жараёнда уйда доимий яшовчи Д.Халиловнинг хотини Гулзор Халилова ва қизи Марям Халилова ҳам иштирок этган. Д.Халилов 2010 йил 7 сентябрда Муборак тумани давлат нотариал идорасида тасдиқланган уй-жойнинг олди-сотди шартномасига асосан низоли уйни М.Очиловга сотган.

Суд муҳокамасида Д.Халиловнинг турмуш ўртоғи Г.Халилова 2006 йилда вафот этганлиги, қизи турмушга чиқиб, 2000 йилда доимий яшаш учун Самарқанд вилоятига кўчиб кетганлиги, марҳума Г.Халилованинг низоли уйдаги ҳиссаси мерос тариқасида бўлинмаганлиги ва уйни сотиш жараёнида умумий мулк иштирокчиси сифатида даъвогарнинг розилиги олинмаганлиги маълум бўлди.

**«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонуннинг 12-моддаси 3-қисми талабига кўра, турар жойни хусусийлаштиришга розилик берган барча ижарачилар учун хусусийлаштирилган турaржойга умумий ҳиссали мулк ҳуқуқи вужудга келади. Бинобарин, юқоридаги ҳолатда даъвогарнинг умумий ҳиссали мулкка бўлган эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи бузилган. Яъни Д.Халиловнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати оқибатида М.Халилова умумий ҳиссали мулк иштирокчиси сифатида мулкидан маҳрум бўлган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан Д.Халилов ва М.Очилов ўртасида 2010 йил 7 сентябрда тузилган турар жойнинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилди.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи конституциявий асосларга кўра мустаҳкамланади. Айни чоғда бировнинг мулкка бўлган ҳуқуқини бузиш ҳам жавобсиз қолмайди. Яъни ўзининг ҳуқуқини амалга ошираётган киши бошқаларнинг манфаатига путур етказмаслиги даркор.

**Наврўз РАҲМОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро суди раиси*

*Munosabat*

# Уйғунлик ва узвийлик

## табиатда ҳам, жамиятда ҳам барқарорликнинг муҳим омилидир

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Сенат ялпи мажлисида **«Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича ҳадли конвенцияга (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»**ги қонун ҳам қизғин муҳокамадан сўнг маъқулланди. Сенаторлар келгусида бу борада зарур чора-тадбирлар, меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар қабул қилиниши кераклигини таъкидлашди. Хусусан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, шифокорлар, фаол зиёлилар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тамаки чекишга қарши тарғиботни янада кучайтиришга келишиб олинди. Айтиш керакки, ҳар йили дунё миқёсида чекиш оқибатидан 5 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётдан кўз юмаётгани барчамиз учун жиддий огоҳлантиришдир. Бундан ташқари шифокорларнинг таъкидлашича, тамаки заҳри ўнлаб хасталикларни келтириб чиқаради.

Соғлом турмуш тарзи, маънавий комиллик хусусида гап кетар экан, Сенат ялпи мажлисида маъқулланган яна бир қонуннинг аҳамияти ҳақида тўхталмоқ жоиз. Гап Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишлар тўғрисида бормоқда. Унга биноан, парнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса, юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар бу ҳол маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.



Айтиш жоизки, қонунчиликка киритилган бу ўзгартиришлар миллий қадриятларимизга мослиги билан ҳам аҳамиятли. Чунки зўравонлик ва кашандалик каби иллатлар ота-боболаримиз томонидан ҳам азал-азалдан қоралаб келинган.

Бу галги ялпи мажлис парламент, хусусан, Сенат фаолияти кенг кўлам ва шаффофлик касб этаётганини кўрсатди. Унда илк бор парламент эшитуви амалиёти жорий этилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳайитов вазирлик томонидан 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мамлакат минтақаларидаги ижроси юзасидан ахборот берди.

Ялпи мажлис қарорида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт вазирлиги, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига аҳолини иш билан таъминлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Бундан ташқари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг, Ҳисоб палатасининг, Бош прокурорнинг, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботлари, адлия вазирининг биринчи ўринбосари Е.Каньязовнинг 2011 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти тингланди. Маърузачилар билан очиқ мулоқотга киришилди. Савол-жавоб ва таклиф-тавсиялар орқали муаммоларни ечиш бўйича аниқ тўхтамларга келинди.

Умуман айтганда, сенаторлар мажлисдан мажлисга ўз фаолиятларини ошириб бормоқдалар. Бу ҳолат уларнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги, уларга амалий ёрдам кўрсатишида ҳам кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги кунда сенаторлар жойларда сайловчилар, фаоллар ҳузурида ялпи мажлис якунлари юзасидан тарғибот ишларини бошлаб юборишди. Мисол учун Самарқанд вилоятининг Ургут, Паст Дарғом, Жомбой туманлари, Самарқанд шаҳрида маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Жумладан, Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси, тиббиёт институти, Самарқанд педагогика коллежи жамоасида ҳам Сенат ялпи мажлиси якунларига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Эътиборлиси шундаки, сайловчилар Сенат томонидан маъқулланган қонунлар ниҳоятда долзарб, аҳамиятли ҳужжатлар эканини тасдиқлашмоқда.

Дарҳақиқат, юқорида қайд этиб ўтилган қонунларнинг ҳар бири эртанги кун, ёруғ келажакнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган. Буларнинг барчаси эзгу орзу-ниятлар ила янги кун, янги тараққиёт сари қадам қўяётган халқимиз, юртимизнинг истиқболини таъминлайди.

**Фармон ТОШЕВ,**
*Олий Мажлис Сенати аъзоси*

*Qonun ko`magi*

# Иқтисодий муносабат

## унга риоя этиш муваффақиятларни таъминлайди

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шунингдек, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ҳамда хўжалик субъектларининг қонуний манфаатларини таъминлаш борасида суд-ҳуқуқ идоралари, жумладан, адлия идораларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунончи, Адлия идоралари ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Мисол учун Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтган 2011 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича 20 дан ортиқ турдаги 31041 та шартнома тузилишида тарафларга зарур ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, ўтган йил давомида 183 та хўжалик юритувчи субъектнинг 21792 та шартномаси амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганиб чиқилди. Ўтказилган ўрганишлар жараёнида шартнома тузилиши бўйича 1515 та ва бажарилишига оид 1401 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Албатта, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиши, айни пайтда улардан тўғри хулоса чиқарилиши лозим. Шу маънода адлия идоралари томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан тегишли ташкилотларга 139 та тақдимнома ва 937 та огоҳнома киритилгани келгусида бундай камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олишга хизмат қилади. Кўрилган таъсир чораларига асосан 140 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилгани, шундан 5 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани ҳамда тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан 3 миллиард 110 миллион 900 минг сўм маблағ фермер хўжаликларига тўлаб берилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адлия бошқармаси томонидан нафақат шартномаларнинг қонуний тузилиши, балки хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва шартнома интизомини суд тартибида мустаҳкамлашга



ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йил мобайнида бошқарма томонидан айбдор мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга 14 та таклиф киритилди. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $245^2$-моддасига асосан 3 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун вилоят хўжалик судига юборилди. Киритилган таклифларга асосан 11 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, 2011 йил давомида судларга жами 4 миллиард 563 миллион 241 минг сўмлик 1644 та, шундан 476 та даъво аризаси фермер хўжаликларининг манфаатини кўзлаб киритилди.

Шу ўринда бир мисолга мурожаат этсак. Янгиқўрғон тумани «Бош пиллахона» МЧЖга нисбатан Янгиқўрғон туманидаги фермер хўжаликлари манфаати юзасидан 2010 йилда етказиб берилган пилла хомашёси учун шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган 33,7 миллион сўм маблағни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилганди. Вилоят хўжалик суди томонидан фермер хўжалиги фойдасига 31,4 миллион сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Мингбулоқ туманидаги «Раҳмонали ота ЙНР» фермер хўжалиги бошлиғи Й.Ниёзовнинг топширилган маҳсулот ҳақи «Гулбоғ пахта тозлаш» ОАЖ томонидан тўланмаётганлиги ҳақидаги мурожаат ўрганилганда, «Гулбоғ пахта тозлаш» ОАЖ томонидан шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмай, топширилган пахта хомашёси қиймати ҳисобидан 5 273 880 сўм маблағ тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Шундан сўнг фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб Наманган вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра, «Гулбоғ пахта тозалаш» АЖдан «Раҳмонали ота ЙНР» фермер хўжалиги фойдасига 5 831 700 сўм асосий қарз ва 874 755 сўм пеня ундириш белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, шартнома тарафларнинг ўзаро келушуви ва розилиги билан қонуний тарзда тузилдими, у, албатта, бажарилиши керак. Унинг бажарилмаслиги, яъни мажбуриятларни унутиш, бурчга нисбатан лоқайдлик қилиш эса жавобгар тарафнинг белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

**И.АБДУСАТТАРОВ,**
*Наманган вилояти адлия бошқармаси масъул ходими*

*Qilmish-qidirmish*

# Инсон шаъни,

**Инсон эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати миллий қонунчиликда ҳам, халқаро меъёрларда ҳам энг олий қадрият саналади. Уларга дахл қилиш — энг оғир жиноятдир. Одам савдоси мана шундай жиноятлардан бўлиб, бундай қилмиш айнан одамнинг эркинлигини чеклаш, шахсий дахлсизлигига путур етказишга қаратилган. Шу боис ҳам бу жиноятга қарши курашиш долзарб аҳамиятга молик.**

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилингани бунинг амалий тасдиғидир.

Мазкур қонуннинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий реабилитация билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этиш белгиланди. Бундай муассасаларда одам савдоси жиноятидан азият чеккан, соғлиғини йўқотган шахсларга зарур ёрдам кўрсатилади. Шу билан бирга жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ҳам кўрилади. Бу уларнинг соғлом ҳаёт тарзига қайтишига жуда катта кўмак беради.

Мазкур қонун одам савдоси билан боғлиқ халқаро ҳужжатлардаги қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига уйғунлаштирилишига ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш, хусусан, одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка, айниқса, мазкур тоифадаги жиноятларга чек қўйиш борасидаги миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда, суд амалиётида мазмунан кўрилган жиноят ишига тўхталиб ўтсак. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг ҳукмига кўра, М.Юсупова одам савдоси жиноятини содир этгани учун тегишли муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

М.Юсупова уюшган жиноий гуруҳга аъзо бўлиб, унда одам савдоси, яъни одамлардан фойдаланиш мақсадида ёллаш билан шуғулланган.

*Yangi qonun mohiyati*

# Мустаҳкам оиланинг ҳуқуқий кафолати

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бу улуғвор мақсадларни амалга ошириш учун эса, биринчи навбатда, бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш лозим.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**да бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганлиги алоҳида таъкидланган эди.

Шунингдек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилиши қайд этилганди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган **«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси Концепцияда белгилаб берилган юқоридаги вазифаларнинг амалдаги ижросидир.

Албатта, **«Мустаҳкам оила йили»** Давлат дастурига ҳамоҳанг равишда ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда оилалар фаровонлиги ва барқарорлигига, уларнинг мустаҳкамлигига хизмат қилади.

Ушбу қонун 7 боб, 35 та моддадан иборат бўлиб, асосий мақсади — оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Унга кўра, оилавий тадбиркорлик — оилавий корхона томонидан амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият эканлиги, оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъекти мақоми берилиб, унинг фаолияти ўз иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланиши белгилаб қўйилди. Оилавий корхона фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолиятни амалга ошириши, ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши ҳақидаги меъёрлар ҳам қонунда ўз ифодасини топган. Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ҳам ёллаши, иштирокчилар ва ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмаслиги, бунда иштирокчиларнинг энг кам миқдори камида икки киши бўлиши, оилавий корхона тўлиқ ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли экани қонунда мустаҳкамланган.



Оилавий корхона иштирокчилари сифатида эса, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли бошқа қариндошлари (болаларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай акаука ва опа-сингиллари, уларнинг болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) бўлиши мумкинлиги кўзда тутилмоқда. Оилавий корхонанинг бошлиғи эса, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда оилавий корхона номидан иш кўриши, унга барча иштирокчилар бир овоздан иш муомаласида ўзлари номидан иштирок этиш ҳуқуқини беришлари мумкин.

Албатта, қонунда оилавий корхона ҳамда унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланган. Жумладан, оилавий корхона товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишга доир фаолиятни мустақил равишда ташкил этиш, ўз молиявий маблағларини шакллантириш ва қарз маблағларини жалб этиш, кредитлар олиш, лизинг ва суғурта хизматларидан фойдаланиш, товарларни харид қилиш ва реализация қилиш мақсадларида шартномалар тузиш, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш, товар белгисига эга бўлиш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш бўйича ҳуқуқларга эгалиги назарда тутилган. Иштирокчиларнинг эса, оилавий корхонани бошқариш, қарорлар қабул қилиш, молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, фойдадан ўз улушини олиш, оилавий корхона таркибидан ихтиёрий чиқиш каби ҳуқуқлари ҳам қонунда ўз ифодасини топган.

Оилавий корхонанинг мол-мулки эса, иштирокчилар томонидан ушбу корхона устав фондига киритиладиган мол- мулкдан, қарз маблағлари ва кредитлардан, товарларни реализация қилишдан, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишдан олинган ва корхонани ривожлантиришга йўналтирилган қисмидан, шунингдек, ана шу даромадлар ҳисобига олинган мол-мулкдан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардан таркиб топиши, оилавий корхона ўз фаолиятини иштирокчиларга мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатларда амалга ошириши мумкинлиги қонунда акс этган.

Оилавий корхона фаолияти эркинлигининг кафолатларига қонунда алоҳида боб ажратилган. Ундаги меъёрларга кўра, давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилиши ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, давлат органлари уни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Шу билан бирга, оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкинлиги, битимлар тузишда эркинлиги, фаолиятини амалга оширишида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланди. Шунингдек, оилавий корхонага солиқ солиш хусусиятлари, фаолиятини текширишларнинг чекланиши, коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланишини таъминлаш, банк хизмати кўрсатиш ва кредит беришнинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланди.

Ўз навбатида, оилавий корхонани тугатиш, оилавий корхоналарнинг бирлашмаси, низоларни ҳал этиш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам қонунда ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз таянчи бўлган оилани мустаҳкамлашда яратилган қонуний асослар, ҳуқуқий кафолатлар муҳим ўрин тутади. **«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»**ги қонуннинг ҳаётга жорий этилиш ҳам ана шу улуғвор мақсадларга хизмат қилади.

**Қодиржон ОХУНОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мисол учун Қ.Маҳматқулов судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, Қашқадарё вилояти Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг 2011 йил 22 августдаги ишдан бўшатиш ва 2011 йил 5 августдаги интизомий жазога тортиш тўғрисидаги буйруқларини бекор қилишни, ўзини аввалги лавозимига ишга тиклашни ҳамда мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи, шунингдек, моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

*Mezon*

# Меҳнат шартномаси

## соҳага оид муносабатларни тартибга солишда муҳим омил

Мазкур ишни кўриб чиққан Қарши туманлараро судининг 2011 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 13 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг мазкур даъво талабларини қисман қаноатлантиришда иш берувчининг буйруғи билан даъвогар 2011 йил 18 июлда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, хизмат жойига боргани учун унга «ҳайфсан» интизомий жазоси берилганлиги, бироқ даъвогар Қ.Махматқулов 2011 йил 18 июлда сменада бўлмаганлиги, унинг спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги ҳолати бўйича жавобгар томонидан тиббий хулоса судга тақдим қилинмаганлиги, иш берувчи томонидан даъвогарга интизомий жазо қўллашдан олдин ундан тушунтириш хати олинмаганлиги асос қилиб олинган.

Айтиш керакки, Меҳнат кодексининг 270-моддасига мувофиқ, судга меҳнат низосини ҳал қилиш, яъни ишга тиклаш бўйича ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой ичида мурожаат қилиши лозим.

Айрим ҳолларда фуқаролар буйруқ нусхасини олгач, бузилган ҳуқуқини тиклашни сўраб, судга эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки ҳокимият органларига мурожаат қилиб, қонунда белгиланган тартибда муддатни ўтказиб юборадилар.

Бундан ташқари ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганидан хабар топганидан сўнг буйруқ нусхаси берилмагани учун ҳам судга ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилмайди. Ваҳоланки, фуқаро меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқсиз ҳам судга ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда суд сўров хати билан ташкилот, корхонадан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини талаб қилиб олиши мумкин.

Маълумки, меҳнат низолари билан боғлиқ даъволар бўйича судга мурожаат қилинганида, даъвогар давлат божи тўлашдан озод қилинади. Даъво қаноатлантирилган ҳолларда эса, суд давлат божини давлат фойдасига жавобгардан ундиради.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг иш жараёнида ҳуқуқий кафолатлари яратилгани уларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатишининг муҳим омилидир. Бинобарин, ҳар бир ходим қонунчиликда белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билса, ҳеч қачон мушкул аҳволга тушиб қолмайди.

**Тусунбой КАРИМОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди раисининг ўринбосари*

*Huquqiy ma'rifat*

# Қонунчиликда вақт мезони

**Маълумки, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби масалалар Жиноят кодексида ўз ифодасини топган. Бошқача айтганда, ҳар бир жиноятга адолатли жазо тайинлашда қонунчиликка таянилади. Бунда жазо қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун асосида тайинланади.**

Айтиш керакки, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга. Чунки қонунчиликда жиноятга жазо белгилашда қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби тамойилларга асосланиш кўзда тутилган.

Қисқаси, қонуннинг орқага қайтиш хусусияти ушбу қонун кучга киргунга қадар жиноят содир этган шахсга, шунингдек, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисобланса, татбиқ этилади. Масалан, жазони ўташ колониясининг енгилроқ тартибли турини тайинлаш мумкин бўлган, судланганлик муддати қисқартирилган, жариманинг миқдори камроқ бўлган, шартли ҳукм қилишнинг қўлланилиши мумкин бўлган ҳолатлар шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилашга қаратилган, дейиш мумкин. Бундан ташқари шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган мезонлар сирасига муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод этиш, жазони ўташи зарур бўлган қисмнинг камайтирилганлиги сингарилар ҳам киради.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Айтиш керакки, қонунчилигимизда жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилишини тўғри белгилашнинг ўзига хос шартлари мавжуд. Яъни биринчидан, қонуннинг амал қилиш вақтини, иккинчидан, жиноят содир этилган вақтни аниқлаш зарур.

Ўрни келганда яна шуни таъкидлаш лозимки, агар жиноят янги қонун кучга кирмасдан туриб тамомланса, бундай ҳолда кучини йўқотган қонунни қўллаш зарур бўлади. Ёки жиноят янги қонун кучга кириш вақтида содир этилса, жиноят давомли ёхуд такроран содир этилганлигидан қатъий назар, янги қонун қўлланилади.

Агар ижтимоий хавфли қилмиш иштирокчиликда содир қилинган бўлса, у ҳолда ҳар бир иштирокчининг жиноятни содир этган вақти аниқланиши керак. Иштирокчиликда содир қилинган жиноят бажарувчи жиноятнинг объектив томонини бажарган вақтдан тугалланган ҳисобланади. Борди-ю, иштирокчиликда содир этилган жиноят янги қонун кучга киргунга қадар рўй берган бўлса, айбдорлар илгари қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши лозим. Айтайлик, жиноий гуруҳ янги қабул қилинган қонун кучга киргунга қадар ташкил этилиб, муайян жиноят эса, қонун кучга киргандан сўнг содир этилди. Бундай ҳолда ташкилотчи илгарироқ кучга эга бўлган қонун асосида, гуруҳнинг қолган иштирокчилари янги кучга кирган қонун билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Тамом бўлмаган жиноятлар сирасига жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш жиноятлари киради. Бунда жиноят айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмайди. Бундай ҳолларда эса, жиноят тўхтатиб қолинган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Бир сўз билан айтганда, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, шунингдек, содир этилган жиноий қилмишларга адолат ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан жазо тайинлашда қонунчиликда белгиланган вақт мезонининг ҳам ўрни катта. Шундай экан, ҳар бир ҳуқуқшунос, қолаверса, фуқаролар бундай меъёрлар моҳиятини чуқур англаб олса, фойдадан холи бўлмайди.

**Акмал ЎРИНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг ходими*

*Mulohaza*

# Йўл ҳаракати қоидалари

## унга барчамиз бирдек риоя этишимиз лозим

**Йўлларда ҳаракатланаётганда қоидаларга қатъий риоя этиш, автоуловни ҳушёрлик ва масъулият билан бошқариш нафақат ҳайдовчининг, балки йўловчиларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлайди.**

Аммо ҳаётда баъзан ҳаракатланиш қоидаларига беписандлик билан қараб ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказадиган кимсалар учраб туради.

Ўша куни уларнинг кайфияти баланд эди. Чунки зиёфат узоқ чўзилди. Ҳатто машина бошқариши лозим бўлганлар ҳам четда қолишмади. Хусусан, Ғулом спиртли ичимлик таъсирида сархуш эди.

Уйга қайтаётиб, Даврон Болтабоев ўзининг «Нексия» русумли автомашинаси калитини Ғуломга тутқазди. Сўнг ҳимматли инсондек қўшиб қўйди:

— Дўстим, биласан-а, мен сендан ҳеч нарсани аямайман!

Сархушлик бобида Даврондан қолишмаётган Ғулом, ҳушёрлик ва қоида талабига кўра, дўстига вазиятни тушунтириши, ўзи ҳам, оғайниси ҳам автомашинани бошқариши яхшиликдан далолат бермаслигини айтиш ўрнига ҳеч бир ҳадиксиз ҳайдовчи ўрнига ўтирди.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

*— Айтинг-чи, яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори қандай мажбуриятларга эга?*



***Г. НАЗАРОВ,***
*Шофиркон тумани*

— Вазирлар Маҳкамасининг **«Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»**ги Низомининг 7-бандига мувофиқ, яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори (арендага олувчи, ижарага олувчи):

а) тураржойлар, жойлар ҳамда уйлар ва уй атрофидаги ҳудуднинг ободонлаштириш элементлари сақланишини таъминлашга ва ўзига тегишли жойни ўз ҳисобидан сақлашга;

б) жойга, санитария-техника асбоб-ускуналари ва бошқа асбоб-ускуналарга (сув қувури, канализация, марказий иситиш, иссиқ сув таъминоти, газ асбоб-ускуналари ва бошқаларга) эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга;

в) электр ва иссиқлик энергиясини, сув, газни тежаб сарфлашга, уларнинг бекор оқиши ва хўжасизларча сарфланишига йўл қўймасликка, электр, газ ҳисоблагичларини ўрнатишга;

г) ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, уй-жойлар ва улардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя қилишга;

д) уй-жойда хавфсиз ва соғлом ҳаёт муҳитини таъминлашга;

е) жойда, санитария-техника асбоб-ускунасида ёки бошқа асбоб-ускуналарда носозликлар аниқланганда дарҳол шикастланишларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришга ҳамда зарур ҳолларда тегишли авария-таъмирлаш хизматига маълум қилишга;

ж) авария ҳолатлари пайдо бўлганда ўзи эгаллаб турган жойга аварияларни бартараф этиш учун тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакилларининг киришини таъминлашга;

з) ўзига тегишли жойга техник хизмат кўрсатиш, кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларни сақлаш ва таъмирлаш, коммунал хизматлар бўйича харажатларни шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлашга мажбурдир.

**Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Jinoyat va jazo*

# Ҳалолликда ҳикмат кўп

## Суд очерки

**Кексаликни бежиз донишмандлик фаслига ўхшатишмайди. Атрофига шириндан-шакар набираларини жамлаб олиб, ҳикмату ўгитлар билан панд-насиҳат қилаётган, ёшларни тўғри йўлга бошлаётган отахонларимиз, онахонларимизни кўрсак, ҳавасимиз ортади.**

Дарҳақиқат, набираларига ота-онасидан ортиқ меҳр қўйиб, уларни ҳали боғчага, мактабга, ҳали тўгаракларга, спорт мактабларига етаклаб, кечқурун дарс тайёрлашига ҳам кўмаклашаётган отахону онахонларимиз бебаҳо бойлигимиздир. Зотан, халқимиз қариси бор уйнинг париси бор деб бежиз айтмаган.

Бироқ олтмиш уч ёшни қоралаган Малика Сайфиддинова ҳақида бундай деб бўлмайди, тўғрироғи, у кексалик бахти фарзандлар, набиралар меҳр-муҳаббатида, эл-юртнинг ҳурмат-эътиборида эканини англаб етмади.

Келинг, яхшиси, ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилайлик.

Эндигина эски одатини унутаётган Малика Сайфиддинова танишлари билан бўладиган «гап»да қатнашишни бошладию, фикру хаёли бузилди. Ётса ҳам, турса ҳам уларнинг мамнун қиёфалари кўзига кўриниб, ичичини ҳасад ўти куйдираверди. Айниқса, охирги марта бўлиб ўтган зиёфатдан сўнг ичига илон кириб олди гўё.

(Давоми тўртинчи бетда)

# қадри — муқаддас

## бинобарин, унга путур етказиш энг оғир жиноятдир

Бу гуруҳда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган «Наргиза» исмли шахс ва Илёс Абдураҳмонов фаолият юритган бўлиб, улар асосан қизларни алдаб хорижга олиб чиқиш жиноятини содир этишган.

Жабрланувчилардан бири Фарғона шаҳрида яшовчи С.Абилжонова бўлса, яна бири Р.Атахановадир. Улар сотувчи бўлиб ишлаш таклифига рози бўлиб, хорижга борганларида бутунлай бошқа манзарага дуч келишади. Аввало Наргиза қизларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўяди. Шундан сўнг у қизларни ўзига моддий жиҳатдан қарам қилиб оладида, уларни ожиз аҳволдалигини била туриб, улардан жирканч мақсадда фойдаланади.

Бундан ташқари судланувчилар жиноий ҳаракатларини давом эттириб сал кейинроқ Фарғона шаҳрида яшовчи Г.Саидовани ҳам алдаб хорижга жўнатишади. Бу аёл ҳам юқоридаги каби кўргиликка дучор бўлади.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, жиноий гуруҳнинг қилмишлари охир-оқибат фош этилди. Судланувчилар қилмишларига яраша қонун олдида жавоб берди. Бу борада нафақат соҳага оид қонун, балки Олий суд Пленуми томонидан 2009 йил 24 ноябрда қабул қилинган **«Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарор талабларига ҳам тўлиқ риоя этилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда одам савдосига қарши нафақат курашиш, балки унинг олдини олишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ушбу жиноятнинг мудҳиш оқибатлари акс этирилган реклама роликлари, фильмлар намойиш этилаётгани, ўқув даргоҳлари, корхона ва ташкилотларда шу мавзуда кенг миқёсли тушунтириш ишлари олиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда. Албатта, бундан тўғри хулоса чиқариш, ҳаётда тўғри йўлни танлаш одамнинг ўзига ҳам боғлиқ.

**Бахтиёр ТАВАККАЛОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди раисининг ўринбосари*

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

**Яхшилар билан дўст бўлиш надомат келтирмайди.**

* * *

**Иродали киши учун ҳеч қандай қийин иш йўқ.**

* * *

**Мақсади улуғлашган сари одамнинг ўзи ҳам улуғлашиб боради.**

* * *

**Яшамоқ — ҳамиша тўхтовсиз олға интилмоқ демакдир.**

* * *

**Китобга меҳр қўйган одамнинг қалби тоза, нияти пок, мақсади эзгулик билан йўғрилган бўлади.**

* * *

**Тилинг ва дилинг бир бўлмагунича, ҳақиқий инсон бўлолмайсан.**

* * *

**Кишининг қалби унинг қилган ишларида акс этади.**

* * *

**Тиришқоқлик — илм сари ягона йўл.**

*Ayyom*

# Мардлик ва шижоат фасли



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Байрам муносабати билан кураш, улоқ-кўпкари, арқон тортиш, от чоптириш, мерганлик сингари миллий спорт ўйинлари ташкил этилади. Бу миллий спорт ўйинларимиз байрам сайлларининг кўрки бўлибгина қолмай, қадимдан аждодларимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми, ёш авлодни жисмонан чиниқтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, характерини тарбиялаш, уларда ор-номус, ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, рақибга ҳурмат каби олижаноб фазилатларни шакллантиришга хизмат қилган.

Бу анъана ва қадриятлар асрлар оша ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, дунёга намойиш этиш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида халқимизнинг миллий спорт турлари ҳам кенг оммалашмоқда, халқаро майдонда жадал ривожланмоқда.

Ҳозир юздан зиёд мамлакатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси ҳамда унга аъзо Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари томонидан мазкур яккакураш тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётир.

— Бугун курашнинг фалсафаси, моҳияти ва унинг жозибаси бутун дунёда юксак эътирофга сазовор бўлмоқда, — дейди кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Мурод Дўсимбетов. — Унинг дунё бўйлаб жадал оммалашаётгани мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча спорт турлари, жумладан, курашни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

Ўзбек жанг санъати, улоқ-кўпкари, турон ва белбоғли кураш сингари миллий спорт турларимиз бўйича мамлакат ва қитъа миқёсидаги мусобақалар, халқаро турнирлар мунтазам ташкил этилмоқда, миллий ўйинларимиз турли фестивалларда намойиш этилиб, дунё жамоатчилигининг юксак эътирофига сазовор бўлаётир.

...Полвонлар гиламга чиқаётганида аввал ўнг оёғини босади, қўлларини ерга теккизиб, оёғи ердан узилмаслигини тилайди. Чавандозлар пойгада ва кўпкарида ютуқ келтирадиган отларини алоҳида меҳр билан парваришлайди, уларни ўзига дўст ва ҳамроҳ билади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу одатлар инсонни она заминнинг юксак қудратидан қувват олиб яшашга, табиат ва унинг барча неъматларини эъзозлаш, қадрлашга ўргатади.

Наврўз байрамида ҳам инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофидаги одамларга, оиласи, дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва оқибат кўрсатишга интилади, борини улар билан баҳам кўради.

Миллий спорт ўйинларининг қирадирларда ўтказилишининг ҳам ўз маъноси бор, албатта. Зеро, очиқ ердаги тоза ва салқин ҳаво инсон организмига фойдали бўлиши билан бирга унинг руҳий ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиат қўйнида бадантарбия машқларини бажариш инсоннинг жисмоний ва ақлий фаолиятини яхшилашда муҳим ўрин тутади. Шу маънода миллий спорт ўйинларимиз ҳам кишининг юрак-қон томир, нафас олиш тизими, умуртқа поғонаси, бўғимлар ва мускуллар фаолиятини яхшилайди.

Шу билан бирга фарзанд тарбиясида, унинг юксак маънавий фазилатларга эга инсон бўлиб вояга етишида ҳам миллий спорт ўйинларининг муҳим ўрни бор. Бирор овулда кураш, улоқ-кўпкари ташкил этиладиган бўлса, қирқ қишлоқ наридаги полвону чавандозлар ҳам келиб, нафақат ўзининг кучини намойиш этади, балки, ориятини, оиласининг, маҳалласининг, қишлоғининг шаънини ҳимоя қилиш учун даврага чиқади. Нуроний қариялар полвонлар, чавандозларни «ютуғинг ҳалол бўлсин», дея дуо қилади. Наврўз мусобақаларида ғалаба қозонган полвон ёки чавандоз олган совринини меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар билан баҳам кўришга интилади.

— Тўй-сайлларда кураш тушиб, ном қозонган Ўктам полвон Эргашев ўн икки ёшлигимда менга яктак совға қилган, ўша туртки бўлиб, курашга меҳр қўйдим, — дейди сурхондарёлик Беҳзод Ўролов. — 2011 йили Лондонда бўлиб ўтган кураш бўйича Ислом Каримов анъанавий халқаро турнирида ғолиб чиққанимдан фахрланаман.

Халқимизга хос бундай олижаноб фазилатлар ёш авлод қалби ва онгига аввало оила муҳитида, қолаверса, Наврўз каби бетакрор байрам қадриятлари орқали сингади. Халқимиз азалдан оилани муқаддас, фарзандни бебаҳо неъмат деб билади. Оилада ўғил фарзандни «полвон» дея чақиради, қизни «она қизим» дея эркалайди, эъзозлайди. Буларнинг заминида соғлом наслни вояга етказиш, авлодлар давомийлигини таъминлаш, фарзандларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
*ЎзА мухбири*



**Бу дунё мўъжизалардан иборат. Дарҳақиқат, шундай. Чек-чегарасиз оламнинг сир-синоатлари ҳам худди ўзидек чегара билмайди. Масалан, илм-фан қанчалик ривожланмасин, эгизакларнинг дунёга келиши ҳали-ҳамон бир мўъжизадек қабул қилинади. Уларнинг нафақат она жисмида бир пайтда бино бўлиб, кетма-кет дунёга келиши, балки феъл-атворлари-ю, босиб ўтажак ҳаёт йўллари, чалинадиган касаллик, орзу-ўйларига қадар бир томчи сувдек ўхшаш бўлиши кимни ҳайратлантирмайди, дейсиз?!**

*G'aroyib olam*

# Жуфтлар жумбоғи

Ҳисоб-китобларга кўра, дунёда 70 нафардан 100 миллион нафаргача эгизаклар бор. Ундан ҳам қизиғи, 87 та оддий туғруққа битта эгизак таваллуд, 87 та эгиз туғилишга битта уч эгизак туғилиши, 87 та уч эгизакли туғруқдан кейин эса икки жуфт эгиз болалар дунёга келар экан!

Аслида, эгизакларнинг кўп жиҳатдан бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қиламиз ва бу ўхшашликни турли омиллар билан изоҳлаймиз. Аммо баъзи эгизаклар орасида шу қадар ғаройиб бир хиллик борки, ҳайратланмай иложингиз йўқ. Мана, масалан, туғилиши билан бир-биридан ажратилган эгизак опа-сингиллар 26 йилдан сўнг, бир-бирини излаб топади. АҚШнинг турли штатларида бир-бирини умуман кўрмай-билмай ўсган бу эгизак аёлларнинг ҳар иккаласи ҳам сартарошлик касбини танлаган, ҳар иккаласининг ҳам Кристина исмли қизлари бор...

Ундан ҳам қизиқ ўхшашлик. Юрижит ва Дороти деган эгиз опа-сингил ҳам чақалоқлигидаёқ тақдири азал ҳукми билан ажралиб кетганди. Аммо бир неча ўн йиллардан кейин опа-сингиллар бир-бирига дуч келади. Буни қарангки, ҳар иккаласининг ҳам ўғли бор бўлиб, болалардан бирининг исми Ричард Эндрю бўлса, иккинчисиники Эндрю Ричард экан.

Турли оилалар томонидан асраб олинган ва бир-бирларининг борлигидан мутлоқо бехабар яна бир эгизаклар эса 40 йилдан кейин топишади. Ҳайратланарли томони шундаки, уларни асраб олган ота-оналари бир-биридан бехабар ҳолда ўз фарзандига бир хилда — Жеймс деб от қўйишган. Эгизак-адашларнинг ҳар иккаласи ҳам юрист, иккаласи ҳам чизмачилик ва устачиликни яхши кўраркан.

Тақдирни қарангки, иккала Жеймс ҳам икки марта уйланган экан. Боз устига иккаласи ҳам аввал Линда исмли, сўнг Бетси исмли аёлга уйланишган. Тағин эгиз Жеймслардан бирининг ўғли Жеймс Алан бўлса, иккинчисиники Жеймс Аллан эканига нима дейсиз?! Ҳар иккала оилада ҳам Той лақабли ит бўқиларкан... Хуллас, ўхшашликлар шу қадар кўпки, бу эгизаклар 40 йил давомида бирга яшаб, атай бир хил ҳаёт кечиришга уринган тарзларида ҳам бу қадар бир хилликка эриша олишларига ишониш қийин. Тўғри, кўпчилик «эгизаклар учун қандайдир ягона бир кўзга кўринмас дастур мавжуд» деб ҳисоблашади. Аммо бу дастур ирсиятга боғлиқмикин? Бу масала ҳам мавҳум. Чунки масалан, биз юқорида тилга олган эгизакларда тасодифларнинг ирсий механизми кўринмайди. Иккинчидан, бу ерда эгизаклар ўртасида яна бошқа бир сирли алоқадорлик ҳам мавжуддек. Масалан, бир эгизакнинг қаеридир оғриса, иккинчиси ҳам, албатта, ўша жойида оғриқ сезади. Эгизак аёллардан бирини тўлғоқ тутганда, иккинчиси ҳам, гарчи ҳомиладор бўлмаса-да, дард чекади. Энг қизиғи, бундай умумий ҳиссиёт эгизаклар бир-биридан жуда узоқ масофада бўлганда ҳам рўй бераверади...

Айрим олимларнинг фикрича, эгизаклардаги бундай жиҳатлар улар она қорнидалик пайтидаёқ ўзаро биологик таъсирлар натижасида шаклланар экан. Она қорнидаги иккита боланинг бири миясидаги нозик энергия нурланишларини иккинчисига ахборот тарзида узатади, иккинчиси эса биринчисига. Натижада улар бир хил ҳис қиладиган, бир хил сезадиган бўладилар. Ушбу тахминни тасдиқловчи мисоллар ҳам йўқ эмас. Масалан, Кети ва Карен Шнайдер деган эгизак опа-сингиллар бир-бирларидан бехабар тарзда бир кунда, бир вақтда, бир хил рақамни танлаб, лотареядан катта ютуқ ютиб олади. Кети Карендан, Карен эса Кетидан суюнчи олиш учун мамлакатнинг икки томонидан туриб, бир-бирига қўнғироқ қила бошлайди. Лекин кейин билишса, суюнчига ҳар иккаласи ҳам қарздор экан. Ахир, бундай ҳолат нафақат эгизаклар, балки она-бола, ака-ука ёки бошқа яқин қариндошлар ўртасида ҳам бўлиши табиий ҳол-ку!

Яна статистикага қайтамиз. Эгизакларнинг 100 фоизида кўзи ва терисининг ранги, сочи, қоши, бурни, лаблари бир хил бўлади; улардан 97 фоизининг ақлий салоҳият даражаси, 92 фоизининг эса бармоқ излари ўхшайди. Шунингдек, уларнинг ҳаёт тарзи, касби, қизиқишлари ҳам умумий хусусият касб этади.

Бу эса, ҳаётда айрим чалкашликларга ҳам сабаб бўларкан. Масалан, бир вақтнинг ўзида бир-биридан неча минг километр узоқликдаги иккита йирик банкда ўғирлик содир этилади. Ҳар иккала банкдаги сейфлар бир хил усулда бир хил пайтда бузилган, у ерда қолган бармоқ излари ҳам бир хил!

Бунақа бўлиши мумкин эмас, ахир! Аммо полиция ўғриларни қўлга олгач, ҳайратда қоладилар. Қулфбузарларнинг ҳар иккаласи ҳам бир-бирининг ҳаттоки мавжудлигидан бехабар бўлган эгизаклар экан.

Хуллас, эгизакларда сир кўп. Нима бўлган тақдирда ҳам, табиат эгизакларни нима учун ва не мақсадда яратади? Бу саволга ҳалиҳануз жавоб йўқ.

**Дилфуза ЎРОЛ қизи**
**тайёрлади**

*Mulohaza*

# Йўл ҳаракати қоидалари

## унга барчамиз бирдек риоя этишимиз лозим

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Сирасини айтганда, Ғуломнинг машинани бошқаришга нўноқлиги машинани ўт олдириб, жойидан қўзғатишидаёқ билинди. Аммо бунга қарамай улар йўлга тушишди. Минг таассуфки, улар шу куни манзилларига етиб боришолмади. Негаки, улар йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, бир йўловчига жабр етказишди.

Тўғриси, фаолиятимиз давомида бу каби нохуш ҳолатларга дуч келамиз. Жумладан, берунийлик Илҳом Эгамов ва Собир Султанов худди шундай жиноятлари учун иккинчи марта уч суткалик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Албатта, йўл-транспорт ҳодисасининг ҳеч бир шаклини оқлаб бўлмайди. Аммо кейинги пайтда баъзи тўй ва маросимларда «машиналар карвони» ташкил этилаётгани, бундай паллада айрим ҳайдовчилар тезликка зўр бераман деб нохуш ҳодисаларга сабаб бўлаётгани ачинарлидир. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, берунийлик Аъзам Абдалов ўзининг «Матиз» русумли, Анвар Камолов ва Акмал Юсуповлар «Нексия» русумли автомобилларини тўй маросимида ноқонуний бошқарганликлари туфайли жарима жазосига тортилди.

Тўкинлик рамзи бўлган машиналарни бошқариш яхши, албатта. Зеро, машиналар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилади. Бироқ ҳар ишда тартиб-қоида бўлгани сингари, машина бошқаришда, йўлда ҳаракатланишда ҳам интизомга риоя этиш зарурдир. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Йўлдош ТОЖИМОВ,**
*Беруний тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси маъмурий амалиёт нозири, катта сержант*

*Jinoyat va jazo*

# Ҳалолликда ҳикмат кўп

**Суд очерки**

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Бир таниши янги сотиб олган уч қаватли ҳовлиси ҳақида оғиз тўлдириб мақтанган бўлса, яна бири зирагини кўз-кўзлади, ҳатто қаторга яқинда келиб қўшилган Комила тез кунларда кўп қаватли уйдан хонадон сотиб олишини айтди.

Хуллас, у бу галги «гап»дан нохуш кайфиятда уйга қайтди.

Шундан сўнг ичган қасамлар, тавба-тазаррулар — бари-бариси унутилди. «Йўлини қилиб, ўзимга алоҳида уй-жой сотиб олиб, қариганимда маза қилиб яшамасам, юрган эканман!». Ана шундай аҳддаги Малика Сайфиддинова вақт алламаҳал бўлишига қарамай ҳамтовоғи Гулбаҳор Назароваға қўнғироқ қилиб, пул зарур бўлиб қолганини, иш бошлаб олишига ёрдам берса, яхшигина хизмат ҳақи тўлаб туришини билдирди. Гулбаҳорга ҳам бундай таклиф маъқул келди, шекилли, дарров рози бўлди.

— Эрталабдан қаерга йўл олаяпсиз? — деб сўради онасининг азонлаб қаёққадир шошилаётганидан хавотирланган Азизбек.

— Қандолат цехида иш бор экан, шуни кўриб келмоқчиман... — деди Малика ўзини бепарво кўрсатишга тиришиб.

— Шу ёшингизда сизга ким қўйибди ишлашни, мен, келинингиз ишлаётган бўлсак, ундан кўра мазза қилиб набираларингиз билан уйда ўтирмайсизми?

— Ўтираверib зерикиб кетдим.

— Зериксангиз, ана, набираларингизни боғчага, мактабга олиб боринг. Баҳонада айланиб келасиз. Келинингизнинг бир ўзи қийналиб қолаяпти, ҳам иш, ҳам рўзғор, болалар. Қолаверса, булар мактабдан келганда уйда кимдир бўлиши керак-ку.

— Вақтида биз ҳаммасини эплаганмиз! Энди энага бўлишим қолувди. Ўзим ишлаганимга нима етсин, — Малика ўғлига хайр-хўш ҳам демай эшикка йўналди.

* * *

— Ўзимда пул йўқ, лекин сиз учун синглимдан олиб бериб тураман, — деди Гулбаҳор Маликанинг илтимосини эшитгач. Сўнг уни Учтепа туманида яшовчи синглиси Гуласал Зойированинг уйига бошлаб борди.

Гуласал аввалига опаси бошлаб келган нотаниш аёлга икки-уч кунга икки миллион сўм қарз беришни истамади-ю, сочларига оқ оралаган аёлнинг алдаб кетишидан гумон қилишга ўзидан уялди.

Тўғриси, аввалига Малика ҳам унинг ишончини оқлади: қарзга олган пулини айтилган муддатда — уч кундаёқ олиб келди, ҳатто 200 минг сўм устамасини ҳам берди!

Буни кўриб Гуласалнинг унга ишончи ортгандек бўлди. Шу боис меҳмонни иззат билан кутиб олди, иккаласи анча суҳбатлашиб ўтиришди. Гап орасида Малика ҳалол бўлиш, бировнинг ҳақидан қўрқиш лозимлиги, омонатга хиёнат энг оғир гуноҳлардан бири эканлиги ҳақида куюниб сўзлади.

— Яна керак бўлиб қолса, пул бериб тура оласизми, синглим? — деб мақсадга кўчди у мулойимлик билан. — Ёки сўмни долларга алмаштирмоқчи бўлганлардан топиб берсангиз, янаям яхши, жияним банкда ишлайди, нархини чиройли қилиб бераман, устамаси ўзингизга қолади.

— Қўлимдан келганча ёрдам бераман, опажон, — деди Гуласал кўп йиллик қадрдонлардек. Бу аслида унинг жиноий шериклик сари қўяётган биринчи қадами эди. Малика ҳам ўзига ажойиб «қўл-оёқ» топганидан хурсанд бўлди.

«Уч кунда икки юз минг! Бир ойда...». Гуласал ўйлаган ўйидан ўзи ҳайратга тушди. «Эртадан, э, йўқ, ҳозирдан ишга киришаман». Гуласал телефон дафтарчасига ёпишиб, дугоналари, танишлари, ўзига тўқроқ қўшнилари борми, барчасига эринмай бирма-бир телефон қилиб, «доллар олиб берадиган» таниши ҳақида гапирди.

— Қизимиз Гавҳар болалари билан бизникида сиқилиб қолаяпти, эри қазо қилгач, қайнонаси сиғдирмади, шунга алоҳида уй сотиб олиш учун пул йиғиб қўйган эдик, — ён қўшниси Муборак аянинг гаплари Гуласалнинг қулоғига мойдек ёқиб тушди. — Агар ростдан ҳам, ишончли одам бўлса, долларга алмаштириб қўйсак, яхши бўлармиди?

— Жудаям тўғри ўйлабсизлар, — Гуласал илондек аврашга тушди.

— Лекин алдаб кетмасмикан?! — Муборак ая хавотирини яширмади.

— Ишончли бўлмаганида орага тушиб ўтирармидим, яна сиздай қўшним учун-а? Бегона эмас, опамнинг қудаси, ёши олтмишдан ошган, ҳалол аёл. Мана, яқинда мендан ҳам пул олганди, вақтидан бир соат ҳам кечиктирмай ўзи олиб келди. Ишонаверинг, ўзим кафилман, ўзим!

Хуллас, Муборак ая кўнгач, ҳар бир АҚШ долларини 1850 сўмдан алмаштириб бериш эвазига, яъни 3000 АҚШ доллари учун 5 550 000 сўмни аянинг қизи — Гавҳардан олган Гуласал, ўз навбатида пулни дарров Малика Сайфиддиновага етказди. М.Сайфиддинова ҳам, келишилганидек, учинчи куниёқ долларни Гуласалга берди, дарвоқе, «хизмат ҳақи» деб унинг ўзини ҳам қуруқ қўймади.

«Ана энди ўзи учун ҳам югуради», тиржайди Малика Сайфиддинова бадхоҳлик билан Гуласал ҳақида ўйларкан. Дарҳақиқат, орадан икки кун ўтгач, Гавҳардан 5 000 АҚШ доллари учун 8 700 000 сўмни қуртдай санаб олган Гуласал ўз ишидан мамнун қиёфада пулни Маликага берди.

Гавҳарга доллар берадиган куни Малика «ёрдамчи»сига қўнғироқ қилиб, «агар яна пул олиб келса, барини бирданига доллар қилиб бериши»ни билдирди. Шу тариқа 12 180 000 сўм «дастёр» орқали Маликанинг қўлига келиб тушди. Хуллас, 20 880 000 сўмни хамирдан қил суғиргандек осонгина қўлга киритган Малика Сайфиддинова ўзининг асл «ҳунар»ини бошлади. У дастлаб Гуласалга 2 000 АҚШ долларини берди-да, қолганини ҳам тез кунда қайтаришни ваъда қилди. Ишнинг кутилмаганда бундай тус олганини кўрган Гуласал нима қилишини билмай қолди. Аммо «устози» унга далда берди: «Сиз ҳеч хавотир олманг, айтдим-ку, тез кунда ҳал қиламан, деб. Нима, кекса ёшим билан сизни алдаб кетармидим?». Бу гаплардан руҳланган Гуласал 2 000 АҚШ доллари билан Гавҳарга рўпара бўлди.

— Қолганини қачон олиб келиб берасиз? – пулнинг озлигини кўриб, Гавҳарнинг капалаги учиб кетди.

— Бир ҳафтадан кейин, — ёқ-бу ёққа аланглаганча, Гавҳарни ошхонага тортиб пичирлади Гуласал. — Фақат менга яна 8 700 000 сўм пул бериб туришинг керак. Уни бугун кечқурун олиб келиб бераман.

— Ие, — ажабланди Гавҳар, — қандай қилиб олдинги пулларимни олмасдан яна пул бераман! Аввал уларни олиб келинг.

Гуласал бу ҳақли саволга нима деб жавоб беришни билмай, каловланиб қолди. Шу пайт...

— Тинчликми, нима гап? — дея Гавҳарнинг онаси Муборак ая уларнинг олдига келди.

— Булар пулларимни тўлиқ қайтармасдан яна пул сўраяпти, — деди асабийлик билан Гавҳар онасига.

— Майли, қизим, — уни юпатди онаизор. — Гуласал неча йиллик қўшнимиз, бизни алдамайди, қайтага бизга ёрдам бермоқчи, мана, бўлиб-бўлиб бўлса ҳам бераяпти-ку.

— Майли... Фақат охирги марта, — Гавҳар ноилож 8 700 000 сўмни Гуласалнинг қўлига тутқазди.

Ростдан ҳам, бу қўшнилар ўртасидаги сўнгги олди-берди бўлиб қолди. Фақат Гавҳар берган пулларини ололмай чарчади. Яъни фирибгарлик йўли билан катта маблағни қўлга киритган Малика Сайфиддинова Гуласални ҳам, Гавҳарни ҳам ҳали эрта, ҳали бир ҳафтадан кейин бўлади, дея алдаб юраверди. Аслида у пулларни аллақачон ўз нафси йўлида сарфлаб юборган эди.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг очиқ суд мажлисида муқаддам судланган бўлишига қарамай, хатоларидан тўғри хулоса чиқармаган, аксинча, олдиндан тил бириктириб, қонунга хилоф равишда кўп миқдорда валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш каби жиноий ҳаракатларни содир этган Малика Сайфиддиновага қонуний жазо тайинланди.

Қилмиш — қидирмиш, дейдилар. Малика Сайфиддинова кексалик гаштини бойлик орттириш эмас, балки набиралари даврасида, келажак авлодни тарбиялаш, мустаҳкам оилалар ривожига ҳисса қўшишдек хайрли ишларга бағишлаганда, кексайганда суднинг қора курсисида боши хам бўлиб ўтирмасди. Дарҳақиқат, ножоиз қўйилган қадам кишини йўлдан тойдиргани каби, тўғрилик қолиб, эгриликка қўл урган кимсаларнинг қилмиши ҳам ҳеч қачон беиз кетмайди. Ана шу ҳақиқатни мудом ёдда тутмоғимиз лозим.

**Аҳаджон ЎЛМАСОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг судьяси*

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
*журналист*

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Бокижон ЯХЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди, манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371)239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-316. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8869.
1 2 + 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰